



"ТАСДИКЛАЙМАН"  
БУЛУНҒУР ТУМАН ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ МУДИРИ  
З.Аликулова

Булунғур туман халқ таълими бўлими

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ  
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БУЛУНҒУР ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ 42-  
МАКТАБГА КОМПЬЮТЕР ЖИХОЗЛАРИ ЕТКАЗИБ ЎРНАТИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ.

№	Маълумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Хизмат номи	САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БУЛУНҒУР ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ 42-МАКТАБГА КОМПЬЮТЕР ЖИХОЗЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ.
2	Буюртмачи	Булунғур туман халқ таълими бўлими
3	Конкурс рақами	№ 6
4	Объект жойлашган манзил	Булунғур шаҳри Октепа кўча 105 уй
5	Катнашувчилар учун талаблар	<p>Талабгор корхона ишчиларининг меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги коидаларига ва ёнгин хавфсизлик коидаларига риоя этиши учун шахсан ўзи жавобгардир.</p> <p>Буюртмачи талабгор ишчиларининг меҳнат муҳофазаси коидаларига амал қилмаслиги учун жавобгар эмас.</p> <p>Ишни бошлашда олдиндан шартнома суммасининг 30% миқдорда тўлов тўлаб берилади, ишлар тугатилгач шартнома суммасининг 70% тўлаб берилади.</p> <p>Корхона солиқ органлари олдида қарздорлиги бўлмаслиги керак. Банкрот ҳолатида бўлмаслиги керак.</p> <p>ДСИ кўмитаси томонидан тасдиқланган шубхали корхоналар рўйхатида бўлмаслиги керак.</p> <p>Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги.</p> <p>Охириги уч йилдаги молиявий ахволи ҳақидаги ҳужжатлар, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот.</p> <p>Агар 3 йилдан кам фаолият юритган бўлса, ишлаган даврдаги ҳисоботларидан нусхалар бўлиши керак</p> <p>Моддий техник базаси ҳақида маълумот.</p> <p>Етказиб бериладиган компьютер техникаларининг 20 комплекти фойдаланишга тайёр компьютер синфи сифатида жамлаб ўрнатиб берилиши керак. Унга зарур бўладиган жиҳоз ва ускуналар талабгор ташкилот ҳисобидан бўлади.</p>
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	<p>Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия, ишларни сифати учун қафолат хати, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома, ушбу ишни олдин ҳам бажарганлиги тўғрисида тузилган шартномасидан нусха.</p> <p>Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчилар мавжудлиги.</p> <p>Корхонанинг гувоҳнома, лицензия, сертификатлари мавжудлиги.</p>

7	Бажарилган ишлар у^ун хисоб-китоби	Етказиб ва ўрнатиб бериладиган компьютер жиҳозларнинг киймати ҚҚС билан бирга <b>150 400 000</b> сўм. Ишни бошлашда олдиндан шартнома суммасининг 30% миқдорда тўлов тўлаб берилади, жиҳозлар етказиб берилгач шартнома суммасининг 70% тўлаб берилади.
8	Бажарилган ишларни қабул қилиш тартиби	Етказиб ва ўрнатиб берилган компьютер жиҳозларини қабул қилишда бўлимнинг ишчи мутахассислари иштирокида комиссия тузилади ва комиссия иштирокида жиҳозлар қабул қилинади.
9	Ишларни бажариш муддати	Шартнома имзоланган кундан 20 кун муддатда
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобида
11	Алоқа учун	Бош ҳисобчи Б.Хўҷамбердиев 99899-7425682

Шартномалар бўйича  
мутахассис



Р.Норматов